

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.29.08.2017.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**МЎМИНОВ ХАСАН АЛИҚУЛОВИЧ**

***G.HERBACEUM* L. ВА *G.ARBOREUM* L. ҒЎЗА ТУРЛАРИ ХИЛМА-  
ХИЛЛИКЛАРИНИНГ ТУРИЧИ ҲАМДА ТУРЛАРАРО  
ФИЛОГЕНЕТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD) on biological sciences**

**Мўминов Хасан Аликулович**

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. гўза турлари хилма-хилликларининг  
туричи ҳамда турлараро филогенетик муносабатлари.....3

**Муминов Хасан Аликулович**

Внутри и межвидовое филогенетическое родство разновидностей видов  
*G. herbaceum* L. и *G. arboreum* L.....21

**Muminov Khasan Alikulovich**

Intra- and interspecific phylogenetic relationship among diversity of  
*G. herbaceum* L. and *G. arboreum* L.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.29.08.2017.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**МЎМИНОВ ХАСАН АЛИҚУЛОВИЧ**

***G.HERBACEUM* L. ВА *G.ARBOREUM* L. ҒЎЗА ТУРЛАРИ ХИЛМА-  
ХИЛЛИКЛАРИНИНГ ТУРИЧИ ҲАМДА ТУРЛАРАРО  
ФИЛОГЕНЕТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эрназарова Зираатхан Абдазамовна**  
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Паридун Шукурович**  
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Бобоев Сайфулла Гафурович**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.29.08.2017.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс (+99871) 264-23-90; e-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.А. Наримонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д.

**С.М. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**М.Ф. Абзалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё кишлоқ хўжалигининг тобора ошиб бораётган талабларини қондириш, бу ўринда яратилаётган ғўза навларининг ташқи муҳитнинг абиотик ва биотик омилларига чидамлилиқ имкониятларини ошириш ҳамда иқтисодий афзаллигини таъминлашда ғўзанинг (*Gossypium* L. туркуми) табиатдаги мавжуд биохилма-хиллигининг ноёб генетик ресурсларидан рационал фойдаланиш муҳимдир. Маданий диплоид турларининг туричи хилма-хилликлари ва шакллари тезпишарлик, ҳосилдорлик ҳамда зараркунанда ҳашоратларга, ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамлилиқнинг генетик имкониятларига эга бўлиб, улардан фойдаланиш бугунги кун пахтачилиқ соҳасидаги бир қатор долзарб муаммолари ечимини топишда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач пахтачилиқни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохатлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, ғўзанинг тезпишар ва ҳосилдор янги навларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, ғўзанинг тетраплоид турлари асосида тола сифати юқори бўлган навларни яратиш борасида муайян ютуқларга эришилди. Шу билан биргаликда биотик ва абиотик стресс омилларга чидамли навларни яратишда ғўзанинг диплоид хилма-хилликларидан селекция жараёнида фойдаланилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида<sup>1</sup> «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган кишлоқ хўжалиғи экинларининг янги селекция навларини яратиш» алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу ўринда, жумладан *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини филогенетик жиҳатдан баҳолаш, улардан ноқулай омилларга бардошли бўлган рекомбинантларини ажратиб олиш ва амалиётга жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда ғўзанинг маданий диплоид (*G.herbaceum* L., *G.arboreum* L.) турлари, кенжа турлари ва шаклларининг генетик потенциалидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг ноёб белгиларини маданий тетраплоид навларга ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда уларнинг биоморфологик полиморфизми, эволюцион ривожланиши, систематик ўрни ва филогенетик муносабатлари, қимматли хўжалиқ белгиларининг наслдан-наслга ўтиши, ирсийланиш характерини ўрганиш стресс шароитларга чидамли бўлган янги ғўза навларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, ғўзанинг маданий диплоид турларининг (*G.herbaceum* L., *G.arboreum* L.) кенжа тур ва шакллари туричи ва турлараро филогенетик муносабатларини асослаш, морфобиологик ва қимматли хўжалиқ белгиларининг наслдан-наслга ўтиши ва ирсийланиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

характерини очиб бериш, дурагайлаш асосида эртапишар, тола чиқими ва сифати юқори бўлган, вилтга, шўрга бардошли ноёб рекомбинантлар яратиш ҳамда уларни генетика ва селекция жараёнларида қўллаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 февралдаги ПҚ-2484-сон «Ўза навларини жойлаштириш ва пахта ҳосили етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзанинг *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. диплоид ўза турларнинг кенжа турлари ва шакллариининг биоморфологик полиморфизми, эволюцион ривожланиши, систематик ўрни ва филогенетик муносабатлари, қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши, ирсийланиш табиати ҳақида тадқиқотлар хорижлик олимлар Р.А. Fryxell (1969), В.Т. Campbell et al. (2010), V.N. Kulkarni et al. (2004), А. Omran et al. (2007) томонидан олиб борилган. Шу билан бирга республикамиз олимлари Ф.М. Мауер (1954), В.П. Клят (1985), Р.К. Шадманов (1986), О. Коланов (1986), М.Б. Ахмедов (1993), М.Жумашев (1996), З.Б. Курязов (2002), А.А. Абдуллаев ва бошқ (2010), М.Ф. Санамъян ва бошқ (2010), Х.А. Мўминов ва бошқ (2011; 2013; 2014; 2015; 2016) лар ўзанинг морфологик-анатомик, цитологик, кариологик, эволюцион ривожланиши, систематик ўрни ва филогенетик муносабатлари, қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши ва ирсийланишига бағишланган тадқиқотларни амалга оширган.

Мавжуд маълумотлар *Gossypium* L. туркумининг полиморф *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. ўза турларининг ёввойи, рудерал, тропик ва субтропик кенжа тур ва шакллариининг систематикаси, филогенетик муносабатларини кенг доирада, тўлиқлигича аниқлаш имконини бермайди. Бу нуқтаи назардан, ушбу турларнинг туричи хилма-хилликларининг филогенетик муносабатларини аниқлаш ва улар асосида қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши, ирсийланиш табиати, айрим морфо-биологик ва хўжалик белгилари орасидаги боғлиқликларни аниқлаш, тадқиқотлар натижасида олинган туричи ва турлараро трансгрессив дурагай шакллар қимматли хўжалик белгилари донорлар сифатида селекцияда қўллаш, ажратиб олинган ноёб шакллар асосида ўза генофондини қимматли гермоплазма билан бойитиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий тадқиқот-ишлари режасининг ФА-А-10-Т-099 «Дунё ғўза генофондининг тетраплоид турларининг хўжалик ва биологик хусусиятларига баҳо бериш ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш имкониятлари (2009-2011) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Gossypium* L. туркумининг полиморф *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг ёввойи, рудерал, тропик ва субтропик кенжа тур ва шаклларининг систематик ўрни, филогенетик муносабатлари ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг ёввойи, рудерал, тропик, субтропик кенжа тур ва шаклларини алоҳида морфологик ва биологик белгиларини ўрганиш;

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларини филогенетик жиҳатдан баҳолаш ва улар асосида туричи ва турлараро янги дурагайлар олиш;

F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub> авлод туричи ва турлараро дурагайларининг баъзи морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини наслдан-наслга ўтиши ва ирсийланиш характерини илмий асослаш;

бошланғич манбалар ҳамда F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub>-ўсимликларида айрим морфо-биологик ва хўжалик белгилари орасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

туричи ва турлараро дурагайларини ўрганиш асосида, ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган рекомбинантларини ажратиб олиш ва уларни бошланғич ашё сифатида генетик-селекциявий тадқиқотларга тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *G. herbaceum* L. туричи хилма-хилликларидан – қадимги ёввойи форма *ssp. africanum* (Watt) Mauer, кўп йиллик рудерал ва экма форма *ssp. pseudoarboreum* Mauer, *ssp. pseudoarboreum f. hargha*, 377 нави (*ssp. euherbaceum* Mauer) ҳамда *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларидан - қадимги ёввойи форма *ssp. obtusifolium* (Roxb.) Mauer, *ssp. obtusifolium var. indicum*, кўп йиллик рудерал ва экма форма *ssp. perenne* (Blanco) Mauer, ярим симподиал ва симподиал тропик форма *ssp. neglectum* (Tod.) Mauer, *ssp. neglectum f. sanguineum*, симподиал субтропик форма *ssp. nanking* (Meyen) Mauer (новотранг толали) ҳамда «ВИР 1372» навларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети** *Gossypium* L. туркумини полиморф *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг ёввойи, рудерал, тропик ва субтропик кенжа тур ва шаклларининг систематик ўрини, филогенетик муносабатларини, морфо-хўжалик белгиларни ирсийланиш ва ўзгарувчанлик характерини ва улар орасидаги корреляцион боғлиқликларни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда туричи ва турлараро дурагайлаш, қиёсий морфология, генетика ва статистика таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор *G.herbaceum* L. турининг рудерал *ssp.pseudoarboreum* f.harga шакли ва *ssp.pseudoarboreum* кенжа тури ўртасида филогенетик яқин-узоқлик даражаси аниқланган ва f.harga ни кенжа тур даражасига кўтариш исботланган;

илк бор *G.arboreum* L. турининг тропик *ssp.neglectum* f.sanguineum шакли ва *ssp.neglectum* кенжа тури ўртасида филогенетик яқин-узоқчилиги аниқланган ва f.sanguineum ни кенжа тур даражасига кўтариши исботланган;

*G.herbaceum* L. турининг рудерал *ssp.pseudoarboreum* кенжа тури филогенетик жиҳатдан *G.arboreum* L. турига яқинлиги ҳамда бу турнинг кенжа турлари таркибига мансублиги асосланган;

туричи ҳамда турлараро  $F_1$ ,  $F_2$ -ўсимликларининг морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини ирсийланиш характери очиб берилган ҳамда айрим морфологик ва хўжалик белгиларини ўзаро коррелятив боғлиқлик даражаси аниқланган;

бошланғич генетик ашё танловини енгиллаштирувчи, генетик-селекциявий тадқиқотларнинг самарасини оширишга хизмат қилувчи *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро ҳамда турлараро филогенетик муносабатлари даражасини белгиловчи схема ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган рекомбинант шакллар ажратиб олинган ва улар бошланғич ашё сифатида диплоид ғўза турларидан интрогрессив шакллар олиш ва уларнинг абиотик ва биотик стресс омилларга чидамлилигини аниқлаш фаолиятига тадбиқ қилинган;

*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларининг филогенетик муносабатлар даражасини белгиловчи ва биоморфологик полиморфизми ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши, ирсийланиш характери аниқлашга имкон берувчи схема ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** генетика ва амалий селекциянинг комплекс усуллари қўлланилганлиги ва улар асосида олинган натижаларни етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларни статистик таҳлил қилинганлиги, шунингдек, олинган амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги, кўп йиллик изланишлар асосида олинган ноёб интрогрессив дурагайларнинг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги ғўзанинг *Gossypium* L. туркуми генофондида сақланаётганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.herbaceum* L., *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини генетик потенциалига баҳо берилганлиги; ўзаро ва турлараро дурагайлаш натижасида бир-бирига бўлган мутаносиблик

даражасини очиб берилганлиги; ҳосилдор дурагай шакллари олиш имконияти аниқланганлиги; туричи ва турлараро  $F_1$ ,  $F_2$  дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши, ирсийланишини очиб берилганлиги; коррелятив боғлиқлик даражаси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тезпишарлик, маҳсулдорлик, тола узунлиги, чиқими, индексининг юқори кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган интрогрессив дурагай шакллар ажратиб олинганлиги; дурагайлар орасидан ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган қатор рекомбинантларни ажратиб олинганлиги ва уларни бошланғич ашё сифатида генетик-селекциявий тадқиқотларда фойдаланиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. ғўза турлари хилма-хилликларининг туричи ҳамда турлараро филогенетик муносабатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

*G. herbaceum* L., *G. arboreum* L. турлари, кенжа турлари ва шакллариининг генетик потенциалидан самарали фойдаланиш бўйича олинган маълумотлар Хитой Фанлар академиясининг PIFI 2017VBA0017 рақамли лойиҳасида диплоид турлардан дурагайлар олиш ва уларни абиотик стресс омилларига чидамлигини оширишда фойдаланилган (Хитой Фанлар академиясининг 2017 йил 10 октябрдаги маълумотномаси). Илмий натижалар диплоид ғўза турларидан интрогрессив шакллар олиш ва уларнинг курғоқчилик ҳамда шўрланишга чидамлигини аниқлаш имконини берган;

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг ўзаро ҳамда турлараро филогенетик муносабатлар даражасини белгиловчи натижалар ФА-Ф4-Т-102 рақамли «*Gossypium* L. туркуми туричи хилма-хилликларининг филогенетик муносабатларини ва селекциядаги имкониятларини ўрганиш» мавзусидаги лойиҳасида диплоид ғўза турларининг ўзаро яқинлик даражасини аниқлаш ва айрим хўжалик белгиларининг ирсийланиш хусусиятларини баҳолашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 4 октябрдаги ФТА-02-11/794-сон маълумотномаси). Натижада ғўза турларининг филогенетик муносабатлари ва биоморфологик полиморфизмининг асослаш ва қимматли хўжалик белгиларининг наслдан-наслга ўтиши ҳамда ирсийланиш характерини аниқлаш имконини берган;

ғўза *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг туричи хилма-хилликларининг ўзаро ва турлараро филогенетик муносабатлари даражасини белгиловчи схема ҳамда туричи ва турлараро чагиштириш асосида олинган ғўза дурагайлари республикада етакчи бўлган «Ўза генофонди» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 18 октябрдаги 4/1255-2195-сон маълумотномаси). Намуналар ғўза коллекцияси фондини бойитиш, ғўза турлари, туричи ҳамда турлараро хилма-хилликлари бўйича электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маданий диплоид ғўза турлари хилма-хиллигининг эволюцияси, систематикаси, филогенияси ва селекция жараёнларида фойдаланилиши**» деб номланган биринчи бобида *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларининг эволюцияси, систематикаси ва филогенияси ҳамда амалий селекция жараёнларида фойдаланилиши борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари маълумотлари чуқур тахлилий асосда ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот манбалари, шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида бошланғич манбалар ва уларнинг морфобиологик тавсифи, тажрибаларни ўтказиш шароитлари ва услублари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишлари ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораториясида 2007-2016 йиллар давомида олиб борилди.

Тажрибада *Gossypium* L. туркумига кирувчи *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг бир қатор ёввойи, рудерал, тропик ҳамда субтропик шаклларида ҳамда уларни туричи ва турлараро дурагайлаш асосида олинган  $F_1$ ,  $F_2$  -ўсимликлардан манба сифатида фойдаланилган. Ўсув даврининг охирида бошланғич манбалар ҳамда  $F_1$ ,  $F_2$ -ўсимликларнинг асосий морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларига тавсиф берилди (Лемешев, Атланов, Подольная, Корнейчук, 1989). *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликлари, туричи ва турлараро  $F_1$ ,  $F_2$ -

ўсимликларининг қимматли хўжалик (тезпишарлик, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, чиқими ва индекси) ва баъзи морфобиологик (гултожибарг ва тола ранги) белгиларининг ирсийланиши ўрганилди. Биринчи бўғин дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланишидаги доминантлик даражаси G.M. Beil, R.E. Atkins (1965) ҳамда белгиларнинг наслдан-наслга берилиш коэффиценти R.W. Allardнинг (1966) формуласи бўйича аниқланди. Олиб борилган барча амалий тадқиқот натижалари, миқдорий белгиларнинг рақамли кўрсаткичлари белгиларнинг боғлиқлиги, яъни корреляция коэффиценти Б.А. Доспехов (1985) услублари ёрдамида компьютернинг MS-Excel дастурида статистик қайта ишловдан ўтказилди.

Диссертациянинг «*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро ва турлараро дурагайлаш, туричи ва турлараро F<sub>1</sub>-ўсимликларининг алоҳида морфобиологик белгиларининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. кенжа турларининг туричи ҳамда турлараро ўзаро чатишиши, F<sub>0</sub> дурагай кўсакларини ҳамда улардаги уруғларни тугилиши, бошланғич манбалар ва уларнинг туричи ҳамда турлараро F<sub>1</sub>-ўсимликларини морфобиологик тавсифи, F<sub>1</sub>-ўсимликларини маҳсулдорлиги, F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub>-ўсимликларининг баъзи морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгиларини ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини моҳияти ёритилган ва таҳлил қилинган.

*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларининг туричи хилма-хилликларини ҳамда турлараро филогенетик муносабатларини, ўрганилаётган кенжа тур ва шаклларнинг бир-бирига мутаносиблик даражаларини, туричи ва турлараро дурагайлар олиш имкониятларини аниқлаш мақсадида, кенг миқёсдаги чатиштириш ишлари олиб борилди.

*G.herbaceum* L. туричи кенжа турларини ва шаклларини чатиштириш натижасида 11 та дурагай комбинациялари олинди. Бунда дурагай кўсакларнинг тугилиши 4,7-53,3 % ни, дурагай кўсаклардаги тўлиқ уруғлар тугилиши эса 38,7-92,1 % ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткичлар рудерал ва маданий шаклларни чатиштириш натижасида олиниб, комбинацияларга боғлиқ равишда дурагай кўсаклар тугилиши 24,3-53,3 % ни, улардаги тўлиқ уруғлар тугилиши эса 74,2-92,1 % ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич *ssp.pseudoarboreum* x *f.harga* реципрок комбинацияларида қайд этилди. Бунда дурагай кўсаклар тугилиш фоизи 5,5-16,6 % ни, улардаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи эса 38,7-55,0 % ни ташкил этиб, уларнинг бир-биридан филогенетик жиҳатдан узоқлигини кўрсатади.

*G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро дурагайлаш натижаларининг таҳлили, дурагай кўсакларни тугилиш фоизи, асосан 12,5-60,0 % ни ташкил этиб, юқори кўрсаткичлар ёввойи ва маданий кенжа турларни ўзаро дурагайлаш натижасида кузатилди, яъни *ssp.obtusifolium* x «ВИР 1372» нави реципрок дурагай комбинацияларида 83,3-100,0 % ни ташкил этгани аниқланди. Дурагай кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи деярли барча F<sub>0</sub> дурагай комбинацияларда юқори бўлиб, 70,0-94,8 % ни, айрим ҳолларда 63,8-68,4 % ни, ёввойи ва тропик кенжа турлар *ssp.obtusifolium* ва *ssp.neglectum* шаклларини ўзаро чатиштирганда энг паст

кўрсаткич 30,0 % ташкил этди. Бундай ҳолат, ушбу шаклларнинг филогенетик жиҳатдан узоқлигини, хромосомаларнинг гомеологлигидан структуравий жиҳатдан фарқланишидан далолат беради.

*G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро частиштириш натижасида, 29 та турлараро дурагай комбинациялари олиниб, дурагай кўсаклар ва улардаги тўлиқ уруғлар тугилиши фоизи бўйича турлича натижалар кузатилди. Ёввойи *ssp. africanum* ва *ssp. obtusifolium* шаклларини ўзаро частиштириш натижасида олинган дурагай кўсакларининг тугилиш фоизи юқори (100,0 %) бўлиб, улардаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи нисбатан паст кўрсаткич (68,1 %) га эга эканлиги аниқланди. *Ssp. africanum* ва *var. indicum* шаклларини ўзаро частиштиришда паст кўрсаткичлар қайд этилиб, дурагай кўсаклар тугилиш фоизи 21,0 % ни, улардаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи эса 54,8 % ни ташкил этди. Олинган натижалар бу шакллар бир-биридан филогенетик жиҳатдан нисбатан узоқлигини кўрсатди. Ёввойи ва тропик шаклларни частиштирилганда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди.

Ёввойи ва маданий шакллар частиштирилганда, рудерал шаклларни ўзаро ҳамда тропик ва маданий шакллар билан частиштирилганда, дурагай кўсаклар тугилиш фоизи паст бўлиб, 10,0-60,0 % ни ва аксинча, тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи асосан юқори бўлиб, 85,0-100,0 % ни ташкил этди. Олинган натижалар частиштиришда иштирок этган гуруҳ вакиллариининг филогенетик жиҳатдан яқинлигини кўрсатади. Тадқиқотлар натижасида, баъзи комбинациялардан ташқари, *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. кенжа тур ва шаклларини ўзаро ва турлараро частиштирилганда дурагай кўсакларнинг тугилиш фоизи асосан паст бўлиши, улардаги тўлиқ уруғларнинг тугилиши фоизи эса юқори кўрсаткичларга эга бўлиши аниқланди. Бундай ҳолат ўз навбатида, табиий шароитда тур ва шаклларнинг тозаллигини сақлашга хизмат қилувчи генетик тўсиқлар мавжудлигидан далолат беради.

**Бошланғич манбалар ҳамда туричи ва турлараро F<sub>1</sub>-ўсимликларининг маҳсулдорлиги.** Туричи ва турлараро F<sub>1</sub>-ўсимликларининг маҳсулдорлик компонентларини ўрганиш натижасида, ҳар бир гуруҳда ўзига хос ўхшашликлар ва фарқлар аниқланди. *G. herbaceum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро частиштириш натижасида олинган туричи F<sub>1</sub>-ўсимликларида бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, ўртача 16-43 донани, кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи эса 79,4-96,6 % ни ташкил этди. Бир туп ўсимликда кўсаклар сони бўйича юқори кўрсаткичлар рудерал ва маданий кенжа турларни ўзаро частиштириш натижасида олинган F<sub>1</sub> ўсимликларида (28-43 та) кузатилди. Кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи 80,9-93,1 % ни ташкил этди. *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро частиштириш натижасида олинган F<sub>1</sub>-ўсимликларида бир туп ўсимликда кўсаклар сони ўртача 10-30 донани, кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи эса 63,4-96,9 % ни ташкил этди. Бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони белгиси бўйича юқори кўрсаткичлар ёввойи ва тропик кенжа тур ва шаклларни ўзаро частиштириш натижасида олинган F<sub>1</sub>

дурагай ўсимликларида (15-30 дона) қайд этилди. Ушбу белги бўйича олинган натижалар бошланғич манбаларнинг кўрсаткичлари оралиғида эканлиги аниқланди. Кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи бўйича энг юқори кўрсаткич шу гуруҳнинг *ssp.obtusifolium* х *f.sanguineum* реципрок комбинацияларида (95,7-95,8 %), паст кўрсаткич эса *ssp.neglectum* х *ssp.obtusifolium* комбинациясида кузатилиб, кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи  $75,0 \pm 1,5$  % ни ташкил этганлиги аниқланди.

*G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро чатиштириш натижасида олинган турлараро  $F_1$ -ўсимликларида бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони ўртача 12-46 донани, кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи эса 69,9-97,3 % ни ташкил этди. Бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони белгиси бўйича юқори кўрсаткичлар рудерал ва тропик кенжа тур ва шаклларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган турлараро  $F_1$  дурагайларида (14-46 дона) кузатилди. Бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони белгиси бўйича олинган натижалар бошланғич манбалар кўсаткичлари оралиғида эканлигини кўрсатди. Кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш фоизи бўйича энг юқори кўрсаткичга ушбу гуруҳнинг *f.sanguineum* х *ssp.pseudoarboreum* комбинациясида бўлиб,  $94,4 \pm 0,7$  % ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Бошланғич манбалар ва уларнинг туричи ва турлараро  $F_1$ ,  $F_2$ -ўсимликларининг баъзи морфобиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» деб номланган тўртинчи бобида вегетация даврининг давомийлиги, битта кўсакдаги пахта ва 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги, чиқими ва индекси, гултожибарг ва тола рангининг ирсийланиши ҳамда бошланғич манбалар ва уларнинг туричи ҳамда турлараро  $F_1$ ,  $F_2$ -ўсимликларида айрим хўжалик белгиларининг корреляцияси бўйича олинган натижалар келтирилган ва таҳлил қилинган.

Фенологик кузатишлар таҳлили, *G.herbaceum* L. туричи хилма-хилликларида вегетация даврининг давомийлиги турлича эканлигини, ёввойи *ssp.africanum* кенжа турида бу муддат  $136,0 \pm 0,5$  кунни, рудерал, тропик ҳамда маданий кенжа турлар ва шаклларда 117,0-122,0 кунни ташкил этишини кўрсатди (1-расм, а).


*G.arboreum* L. туричи хилма-хилликларида вегетация даврининг давомийлиги нисбатан кечпишар бўлиб, тропик *ssp.neglectum* кенжа турида  $146,0 \pm 0,5$  кун, ёввойи, рудерал, тропик, маданий кенжа тур ва шаклларида 117,0-138,0 кунгача бўлганлиги кузатилди. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. ғўза турларини туричи ва турлараро чатиштириш асосида олинган  $F_1$ -ўсимликларида вегетация даврининг давомийлиги  $102,0-144,7$  кунни ташкил этди. *G.herbaceum* L. туричи генетик хилма-хилликларини чатиштириш асосида олинган  $F_1$ -ўсимликларида вегетация даврининг давомийлиги дурагай комбинацияларига боғлиқ равишда  $106,0-133,5$  кунни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич рудерал ва маданий шаклларини ўзаро чатиштириш асосида олинган реципрок дурагай комбинацияларда кузатилиб, уларнинг вегетация даврининг давомийлиги  $106,0-114,0$  кунни

ташкил этди. *Ssp.pseudoarboreum* x *ssp.euherbaceum* («377» нави) комбинацияларда вегетация даврининг давомийлиги  $106,0 \pm 0,5$  кун бўлиб, доминантлик коэффиценти  $h_p = -12,00$  ни ташкил этди, яъни ушбу белги ижобий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши қайд этилди. *G.arboreum* L. туричи генетик хилма-хилликларини чатиштириш асосида олинган  $F_1$ -ўсимликларида вегетация даврининг давомийлиги  $102,0-125,0$  кунни ташкил этиб, тезпишарлик доминант, ўта доминант ва оралик ҳолатида ирсийланиши аниқланди. Рудерал шаклларни тропик ва маданий ҳамда маданий шаклларни ўзаро чатиштирилган комбинацияларда юқори кўрсаткичлар кузатилиб, жумладан «ВИР 1372» нави x *ssp.perenne* ( $106,0 \pm 0,5$ ), *ssp.nanking* (новотранг толали) x «ВИР 1372» нави ( $102,0 \pm 0,6$ ) дурагайларида доминантлик коэффиценти  $h_p = -2,69; -16,0$  ни ташкил этди, яъни ушбу белги ижобий гетерозисли ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши қайд этилди.

Маълумки, вегетация даврининг давомийлиги яқин бўлган навлар чатиштирилганда биринчи авлод дурагайлари иккала ота-она шаклларида ҳам эртапишарроқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолат белгининг структуравий элементларининг комбинатив алмашинуви ҳисобига юз бериши таъкидланган. Масалан, ота-оналардан бирининг “униш-шоналаш” фазаси давомийлигининг қисқалиги ва иккинчисининг “гуллаш-пишиш” фазаси давомийлигининг қисқалиги  $F_1$ -ўсимликларида намоён бўлади. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи генетик хилма-хилликларини чатиштириш асосида олинган турлараро  $F_1$ -ўсимликларида вегетация даврининг давомийлиги турлича бўлиб,  $105,2-144,4$  кунни ташкил этди. Бу гуруҳда тезпишарлик бўйича энг юқори кўрсаткичлар рудерал ҳамда тропик шаклларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган *f.harga* x *f.sanguineum* комбинациясида бўлиб, вегетация даври  $-105,2 \pm 0,4$  кунни ташкил этган. Белги ижобий гетерозисли ўта доминантлик ( $h_p = -10,2$ ) ҳолатида ирсийланиши аниқланди. Адабиётлар таҳлили ва ўз тажрибаларимизнинг натижасидан келиб чиққан ҳолда, ота-она ўсимликларнинг кўрсаткичлари бир хил ёки яқин бўлган ҳолларда,  $F_1$ -ўсимликларида кучли гетерозис ҳолати, бир биридан кескин фарқланган шакллар ўзаро чатиштирилганда,  $F_1$  да белги оралик ҳолда ирсийланиши кузатилди.

$F_2$ -ўсимликларининг вегетация даври ўзгарувчанлиги жуда кенг бўлиб, 4 тадан 7 тагача синфни, вегетация даврининг давомийлиги эса  $109,0-178,0$  кунни, ўртача кўрсаткичи эса  $127,2-153,1$  кунни ташкил этди. Энг юқори ўзгарувчанлик кўлами туричи ва турлараро *f.sanguineum* x *var.indicum* ва *var.indicum* x *ssp.pseudoarboreum* ўсимликларида кузатилди (вегетация даврининг давомийлиги  $109,0-168,0$  кунгача). Бунда вегетация даври давомийлигининг ўртача кўрсаткичи  $138,4-139,6$  кунни ташкил этди. Белгининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти  $h^2 = 0,98-0,97$  га тенг бўлди, бу эса ўрганилган белгининг 98-97 % и дурагай шаклнинг генотипи, 2-3 % и эса ташқи муҳит таъсирида ирсийланганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. туричи ҳамда турлараро генетик хилма-хилликларини ва шакллари



**1-расм. Бошланғич манбалар туричи ва турлараро F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub>-ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги:**

1- *G. herbaceum* ssp. *pseudoarboreum*; 2- *G. herbaceum* ssp. *pseudoarboreum* f. *harga*; 3- *G. herbaceum* ssp. *euherbaceum* («377» нави); 4- *G. arboreum* ssp. *obtusifolium* var. *indicum*; 5- *G. arboreum* ssp. *neglectum* f. *sanguineum*; 6- *G. arboreum* ssp. *perenne*; 7- *G. arboreum* ssp. *nanking* (новотранг толали); 8- *G. arboreum* ВІР 1372 нави; 9- ssp. *pseudoarboreum* f. *harga* x ssp. *pseudoarboreum*; 10- ssp. *euherbaceum* («377» нави) x ssp. *pseudoarboreum*; 11- ВІР 1372 нави x ssp. *perenne*; 12- ssp. *neglectum* f. *sanguineum* x ssp. *obtusifolium* var. *indicum*; 13- ssp. *obtusifolium* var. *indicum* x ssp. *pseudoarboreum*; 14- ssp. *nanking* (новотранг толали) x ssp. *pseudoarboreum* f. *harga*.

ўзаро чатиштириш натижасида олинган, вегетация даври давомийлиги 102,0-110,0 кунни ташкил этган  $F_1$ ,  $F_2$  реципрок интрогрессив дурагай комбинацияларидан келажакда тезпишар навлар яратиш бўйича генетик-селекциявий тадқиқотларда фойдаланиш имкониятини беради.

**Битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни.** Тажирибада иштирок этган бошланғич манбаларнинг битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича олинган кўрсаткичларини таҳлилига кўра, *G. herbaceum* L. туричи хилма-хилликларини битта кўсакдаги пахта вазни 0,9-1,7 г., 1000 дона чигит вазни эса 42,0-61,0 г. ни ташкил этди. *G. arboreum* L. туричи хилма-хилликларида эса битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни белгилари кўрсаткичлари бир оз юқори бўлиб, мос равишда 1,0-2,1 г. ни ва 51,0-83,0 г. ни ташкил этди. *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг генетик хилма-хилликларини ўзаро ва турлараро чатиштириш асосида олинган  $F_1$ -ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазни белгиси бўйича тўлиқсиз доминант, тўлиқ доминант, ўта доминант салбий ва ижобий гетерозис, 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича асосан тўлиқсиз доминант, тўлиқ доминант, ўта доминант ижобий гетерозис ҳолида ирсийланиши аниқланди (1-расм, б, в).

Туричи ва турлараро  $F_2$ -ўсимликларида битта кўсакдаги пахта вазни бўйича ўртача кўрсаткич 1,3-2,1 г., 1000 дона чигит вазни бўйича эса 66,8-78,4 г. ни ташкил этди. Туричи  $F_1$  ssp.*euherbaceum* («377» нави) х ssp.*pseudoarboreum* комбинацияси ўсимликларида кузатилган ижобий гетерозис ҳолати  $F_2$  авлодда сақланиб қолмагани аниқланди. Битта кўсакдаги пахта вазни 2,1 г., 1000 дона чигит вазни 78,4 г. эканлиги кузатилди. Битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти  $h^2$ -0,62, 1000 дона чигит вазниники эса  $h^2$ -0,99 га тенг бўлди. Бу эса ўрганилган белгиларнинг мос равишда 62 % ва 99 % дурагай шаклнинг генотипи, 38 % ва 1 % ташқи муҳит таъсирида ирсийланганлигини кўрсатди.

$F_1$  f.*sanguineum* х var.*indicum* комбинациясида қайд этилган ижобий гетерозис ҳолати  $F_2$  авлодда сақланибгина қолмай, балки бирмунча ошганлиги ҳам аниқланди. Бунда битта кўсакдаги пахта вазни ўртача 1,3 г. ни, 1000 дона чигит вазни эса ўртача 66,8 г. ни ташкил этди.

**Тола узунлиги.** *G. herbaceum* L. ва *G. arboreum* L. турларининг генетик хилма-хилликларини ўзаро ва турлараро чатиштириш асосида олинган  $F_1$ -ўсимликларида тола узунлиги белгиси бўйича асосан ижобий гетерозисли тўлиқ доминант, ўта доминант ҳолида ирсийланиши аниқланди. Туричи ва турлараро  $F_1$ -ўсимликларида тола узунлигининг ижобий гетерозисли кўрсаткичлари  $F_2$ -ўсимликларининг айрим комбинацияларда сақланиб қолиши аниқланди. Масалан, турлараро  $F_1$  var.*indicum* х ssp.*pseudoarboreum* комбинациясини тола узунлигининг ўртача кўрсаткичи  $25,0 \pm 0,2$  мм ни,  $F_2$  бўғинида эса  $26,4 \pm 0,6$  мм ни ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу комбинациялар орасидан тола узунлиги 30-31 мм гача бўлган кўплаб шакллар ажратиб олинди (1-расм, г). Белгининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти  $h^2$ -0,81 га тенг бўлди, бу тола узунлиги белгисининг 81,0 % и

